



СИНТАКТИК КОМПОЗИЦИЯДА АКТУАЛ БЎЛИНИШ

Соипова Ҳилола

Фарғона давлат университети тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7294088>

Синтактик композицияда тема-рема муносабатини қўйилаётган мавзунинг хусусияти ва характеридан келиб чиқиб, маълум бир тизим асосида ўрганиш катта аҳамиятга эга. Тўпланган ва таҳлил этилган мисолларга таянган ҳолда, нутқ темаси билан алоқадор реманинг асосий мазмуний мундарижаси сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

1.Замон билан алоқадор натижа.

Синтактик композицияда нутқ темаси ва ремаси орасида бундай муносабат тури ўрнатилганда тема пайтга рема эса натижага тенг келади. Тема орқали пайт, вақт, замон кабилар ҳақидаги фикр, ремада эса ана шулар билан боғлиқ бўлган натижа мазмуни ифода этилади:

Эрталабдан ёға бошлаган ёмғир тушликка бориб авжига чиқди.Осмон қорайиб,кундуз хира тортди. Полкнинг саф майдони четидаги ариқчаларда сув қилқиллаб оқарди. Май ойи ўрталари бўлишига қарамай,баҳор осонликча таслим бўлишни истамаётганидан далолат эди бу.

Қ.Норқобил. "Дарё ортидаги йиғи"

Келтирилган парчадан англашиладики, биринчи гап – тема орқали пайт мазмуни ифодаланиб (Эрталабдан, тушликка), ремада эса ана шу пайт жараёнининг натижаси сифатида рўёбга чиққан табиат ва табиатдаги ўзгаришлар тасвири берилган. Одатда, бундай турдаги нисбий мустақил гапларнинг кесими (бир пайтга тааллуқли воқеа-ҳодисалар ҳақида фикр юритилаётганлиги учун ҳам) бир хил замон шакли ва мазмунида бўлиши билан характерланади. Юқоридаги мисолнинг таркибидаги нисбий мустақил гапларнинг ҳам кесимлари деярли бир хил (чиқди, тортди, оқарди,) шаклида эканлигини кўриш мумкин. Яна шуни алоҳида айтиб ўтиш мумкинки, бунда бир пайтга алоқадор воқеа-ҳодисаларнинг рўёбга чиқишида кескин чегара қўйилмайди. Шунинг учун ҳам композицион-синтактик тузилиши шу тарзда реаллашган поэтик нутқни очиқ конструкция сифатида баҳолаш ҳам мумкин.

2. Сабаб билан алоқадор натижа.

Синтактик композицияда тема ва ремаси ўртасида сабаб-натижа муносабати ўрнатилганда, тема сабабга, рема эса натижа мазмунига тенг келади. Бунда тема ремада ифода этилган воқеа-ҳодисанинг рўй бериши ёки рўй бермаслигининг сабабини, асосини кўрсатади.



Ўртоқ сержант! – Бирдан ғовур босилди. – Ёлғон! Бу ёсуман Муҳайёга туҳмат қилаёттипти! Муҳайё менинг хотиним! – деди.

Ҳамма жимжит бўлиб қолди. Марғуба юзини тимдалаб, оғзини катта очганича оёқ узра туриб ҳушидан кетди.

А.Қаҳҳор “Анор”

Юқоридаги парчадан кўриниб турибдики, темаси (Бу ёсуман Муҳайёга туҳмат қилаёттипти!) сабаб мазмунини англатади. Ремада эса хиёнат натижасида юзага келган ҳолат, воқеа-ҳодисалар санаб кўрсатилган, яъни натижа акс этган.

3. Замон ҳамда сабаб билан алоқадор натижа.

Тема-рема орасида бундай муносабат ўрнатилган поэтик нутқ ўзига хос хусусият касб этади. Бунда тема полисемантик характерга эга бўлади. Демак, нутқимизда сўзлар, аффикслар, предикатив бирликларда кўп маънолилиқ хусусияти – полисемантизм мавжуд бўлгани каби, темани ташкил этган гапларда ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. Фақат мустақил гапларда полисемантизм контекст, яъни нутқ шароитидагина юзага чиқади. Нутқ темаси ва ремаси пайт-сабаб – натижа муносабатига киришганда, тема бир вақтнинг ўзида ҳам пайт, ҳам сабаб мазмунини ифода этади. Ремада эса ҳар иккаласининг натижаси кўзга ташланади:

Нима бўлди -ю, олтмишинчи йилларга келиб Худойберди ёзишдан бир муддат тўхтаб қолгандек бўлди. Қиссалар ёзмай қўйди. Ўзини фелетончиликка урди. Республика газеталарида кун ора фелетонлари босиладиган бўлиб қолди.

Х.Тўхтабоев "Қиз болага тош отманг"

Келтирилган парчада ҳам тема (олтмишинчи йилларга келиб Худойберди ёзишдан бир муддат тўхтаб қолгандек) полисемантик характерга эга, унда ҳам пайт, ҳам сабаб мазмуни мавжуд. Бунда, албатта, контекстнинг роли бениҳоя катта. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, темага тенг келган гапнинг полисемантик хусусиятга эга бўлишида урғунинг, айниқса, логик урғунинг ролини ҳам унутмаслик керак. Юқоридаги гапда логик урғу ёзиш сўзига тушса, пайт мазмуни, тундаяна бирикмасига тушганда эса, сабаб мазмуни биринчи ўринга чиқади. Бунда тун сўзи пайт маъносини юзага чиқарса, тунда яна бирикмасидавомийлик, яъни иш-ҳаракатнинг такрорланиб туриши маъносига ишора қилади ва (тун бошлангани сабабли яна) сабаб мазмунини юзага чиқаради. Рема эса тун пайтида



реаллашган иш-ҳаракатлар ёки тун сабабли яна такрорланувчи иш-ҳаракатларни ифода этади.

4. Миқдор билан алоқадор натижа.

Бу турдаги тема-рема муносабатига эга бўлган поэтик нутқ қуйидаги белгилари билан ажралиб туради. Бунда тема миқдор ифодалайди. Ремада ана шу миқдорга хос хусусиятлар, ундан келиб чиқувчи оқибат—натижага оид маълумотлар, воқеа-ҳодисалар санаб кўрсатилади, изоҳланади. Буларнинг барчаси умумлашиб, янги бир тема-рема муносабати – миқдор-натижани ҳосил қилади:

Штапдан икки-уч кундан сўнг Чорикорга сафар қилишимиз ҳақида хабар келди. Жангчиларни яна ваҳм босди. Негаки, у ёқда вазият нечоғлик танглиги, бизни яхшилабгина меҳмон қилишлари сир эмасди.

Қ.Норқобил (Дарё ортидаги йиғи)

Келтирилган ушбу парчанинг тема-рема муносабатини таҳлил қилганимизда нутқ темасида миқдорга урғу берилган (икки-уч кун). Демак, ўз-ўзидан равшанки, ремада ана шу сафарнинг муддати оз қолгани ва жангчиларни эса ваҳима босгани ҳақида фикр юритилади, миқдордан келиб чиқувчи натижа вазиятнинг оғирлиги ва танглидир. Бундай кўринишдаги нутқда санаш интонациясининг мавжудлиги, ремани ташкил этган нисбий мустақил гапларда эса темадаги сафарнинг кескин вазияти очиб берилган.

Етмиш кунлик бир муҳосарадан кейин уч минг сипоҳни бир ярим мингга тушуриб, бир ярим минг сипоҳни Тошканд кўрғонлари остида қурбон бериб, Нормуҳаммад кушбеги қуруқ қайтишга мажбур бўлди.

Абдулла Кодирий

Ёки ушбу парчада келтирилган тема-рема муносабатини кўрадиган бўлсак, нутқ темасида урғу берилган миқдор (уч минг сипоҳни) ремада ҳам миқдор (бир ярим мингга тушуриб) ва кейинги (бир ярим минг сипоҳни Тошканд кўрғонлари остида қурбон бериб), натижада (қуруқ қайтиши) билан натижа кўрсатади. Демак, темада ҳам миқдор, ремада ҳам миқдор муносабати биргалашиб, тема-рема муносабатини очиб берган.

5. Макон билан алоқадор натижа.

Синтактик композицияда тема-рема муносабатининг бу турида тема фикрнинг маълум бир макон, жой ҳақида эканлиги, воқеа-ҳодисаларнинг ўша маконда юзага келишини маълум қилади. Ремада эса ўша макон билан боғлиқ бўлган, унинг мазмунидан келиб чиқувчи воқеа-ҳодисалар натижа сифатида акс этади:



Дала. Мезон. Қизлар. Тарози.
Пахсали дуволлар. Исмсиз қирлар.
Юлдуздек титраниб учган овозим,
Тиззани кучоқлаб ўқилган шеърлар.
Олов теграсида қайнаган ўлан,
Юракдек қонталаш чинор япроғи.
“Севсам ўлдиранлар севмасам, ўлам...
Ва ҳисобчи қизнинг нигоҳи... (Иқбол Мирзо)

Хиёбоннинг чап томонида,боғ этагида кутубхона жойлашган,
ёнидаги бир неча бинода китобдор, муҳаррир, рассом, хаттоту, саҳҳофлар
тирикчилик қилишади.

Муҳаммад Али "Сарбадорлар"

Юқоридаги мисолда композицион-синтактик қурилишда теманинг макон
(Хиёбон ва боғ) маъносини ифода этиши характерлидир. Ремага тенг
келган қолган қисмларида хиёбон ва боғ билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар,
туйғулар, тафсилотлар намоён бўлади.

Ёки бошқа мисолни кўрайлик:

Аллоҳ бу юртга мустақиллик деган неъматни ато қилгандан буён бир
томони адирли тоғларга,яна бир томони чўлларга уланиб кетадиган Тағоб
қишлоғида уйқусираб ётган инсонлар бирдан уйғонгандек бўлди.

Х.Тўхтабоев "Қиз болага тош отманг"

6. Макон билан ўхшатишга алоқадор натижа.

Синтактик композицияда тема-рема муносабатининг бу турида тема
фикрнинг маълум бир маконни ўхшатишга алоқадор (Сабр саҳросида)
натижасида рема эса темани бошқа мустақил гаплар орқали ёритиб
беради.

Сабр саҳросида роҳат қилиш изтироб чекиш билан баравар;сабр даштида
дам олиш-югуриш билан баробар.

Т.Малик "Виждон уйғонур"

Адабиётлар рўйхати:

1. Никонова М.Н. Теория текста: учеб. пособие / М.Н. Никонова. – Омск: Изд-во ОмГТУ, 2008. – 240 с.
2. Виноградов В.В. К построению теории поэтического языка// Русская словесность. Антология. - М., 1997.
3. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. М.,1970.
4. Гинзбург Л.Я. О лирике. - М., 1974.





5. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М. Наука, 1981. – С.138;
6. Завялова О.С. Композиционно-синтаксический анализ как метод изучения художественного текста. – М., 2001.
7. Коржикова Н.В. Приёмы композиционно-синтаксического анализа дискурса. АДД – М.,2005.
8. Abdupattoev M.T. Poetik nutqning kompozitsion-sintaktik qurilishida kommunikativ registrlarning o'rne // "Nutq madaniyati va o'zbek tilshunosligining dolzab muammolari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari. Andijon – 2021. – B. 174-179.
9. Mamajonov A., Addupattoyev M. Matn nazariyasi. Farg'ona., 2016. 5- bet.

